



THE MAIN GOAL AND STRATEGIC PRIORITIES OF MODERN LEGAL REFORMS IN THE COUNTRY

I.XOJANAZAROV^a

Academy of the Ministry of Internal Affairs, Tashkent, 100047, Uzbekistan

ГЛАВНАЯ ЦЕЛЬ И СТРАТЕГИЧЕСКОЕ ПРЕВОСХОДСТВО В НАШЕЙ СТРАНЕ СОВРЕМЕННЫХ ПРАВОВЫХ РЕФОРМ

И.ХОЖАНАЗАРОВ^a

^aАкадемия Министерства Внутренних Дел, Ташкент, 100047, Узбекистан

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ ВА СТРАТЕГИК УСТУВОРЛИКЛАРИ

И.ХОЖАНАЗАРОВ^a

^aИИВ Академияси, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мақолада мамлакатимиз миллий ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида таъминлашни, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини янада шакллантиришга оид фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Таянч тушунчалар: демократик ҳуқуқий давлат, адолат, модернизация, ҳуқуқий макон, ижтимоий муносабат, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий тарбия, давлат органлари, ҳуқуқий хулқ-атвор, респондент.

Аннотация: в статье исследуются мнения о реформировании правовой сферы, правовой системы, своевременном обеспечении прав и свобод граждан, дальнейшем формировании гражданского общества.

Ключевые слова: демократическое правовое государство, справедливость, модернизация, правовое пространство, общественные отношения, правовое сознание, правовая культура, правовая идеология, правовое воспитание, государственные органы, правовое поведение, респондент.

Annotation: the article studies opinions on reforming the legal sphere, legal system, maintaining promptly the rights and freedom of citizens, the further formation of a civil society.

Keywords: democratic lawful state, justice, modernisation, legal space, public relations legal awareness, legal culture, legal ideology, legal education, state structures, legal behaviour, the respondent.

Мустақилликка эришганимиздан буён мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг қамровли ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу ислоҳотлар бир қанча босқичлардан ўтди, уларнинг натижасида Ўзбекистонда бугунги барқарор инсонпарвар давлатчилик, демократик қонунчилик ва адолатли сиёсий-ҳуқуқий тизимлар шакллантирилди. Эришилган марра ва ютуқларга қарамасдан, ҳали

жамият ҳаётини янада демократлаштириш, давлат бошқарувини халқчил этиб модернизациялаш борасида талайгина ишлар қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга тақдим этган мурожаатномасида “2017 йилни тараққиётимизнинг янги босқичи” деб баҳолаб, ушбу йилда амалга оширилган иқтисодий, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар мазмунини батафсил изоҳлаб ўтди [1]. Дарҳақиқат, мазкур йилда ҳуқуқий ҳаётимизда, айниқса, суд тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Шубҳасиз, улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қуйидагилар таъкидланганлиги фикримизнинг далилидир: Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди [2].

Ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилишнинг бош мақсади халқ манфаатларидан келиб чиқиб, жамиятнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий адолат қарор топадиган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга эришишдан иборат. Конституциямизда таъкидланганидек, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши лозим. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”.

Сўровда танлов усули асосида 2000та уй хўжалигига ташриф буюрилди, уларнинг 681тасида ўз ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат қилган фуқаролар борлиги аниқланди. Жамоатчилик фикри сўрови ҳам юртаримиз ўз конституциявий ҳуқуқларидан фаол фойдаланган ҳолда давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилаётганлигини кўрсатди. Масалан, респондентларнинг 28 фоизи ўз муаммоларини ҳал қилишда ёрдам сўраб маҳаллага, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органларга, Пенсия жамғармасига ва ижтимоий таъминот бўлимига, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликларига мурожаат қилишган. 32,4 фоизи эса коммунал соҳа ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан боғлиқ масалалар, электр энергияси, ичимлик суви, газ, ва иситиш таъминоти юзасидан мурожаат этган. Респондентларнинг ҳар тўртинчиси оилавий масалаларни ҳал қилиш мақсадида давлат ҳокимияти органларидан амалий кўмак сўраган. Фуқароларнинг 65,8 фоизи давлат ҳокимияти ёки хўжалик бошқаруви органларига мурожаатлари натижасида, ўз муаммосини ижобий ҳал қилинганини қайд этган. Ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, 93 фоиз ҳолатда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб давлат идораларига ўз хоҳиш-иродасига кўра мурожаат этган. Қолган ҳолатларда иштирокчилар танишлари, қариндошлари, яқинлари тавсияси билан мазкур ҳуқуқидан фойдаланган. Бу ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётганлигини ифодалайди [3].

Маълумки, жамият ҳуқуқий ҳаётини оқилона ташкил этиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ўз ғоявий асосига меъёрий мезон ва ўлчамларига эга. Шу сабабли ҳам давлат ҳуқуқий тизимни шакллантириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, умуман, ҳуқуқий ҳаётни лозим даражада ташкиллаштириш соҳасида тегишли сиёсатни амалга оширади, зарур ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий этади.

Илмий адабиётларда “ҳуқуқий ҳаёт”, “жамиятнинг ҳуқуқий тизими”, “ҳуқуқий макон”, “ҳуқуқий муҳит” каби бир қанча категориялар қўлланиб келади. Уларнинг маъноси, ҳажми, қўлами турличалиги табиий. Бироқ ҳуқуқий ислохот объектини белгилаш нуқтаи назаридан мазкур категорияларнинг тушунчаси ҳамда маъносини ойдинлаштириб олиш муҳимдир. Масалан, “жамиятнинг ҳуқуқий тизими” – мамлакат доирасида амал қилувчи барча юридик воситалар, институтлар ва муассасаларнинг йиғиндисидан таркиб топувчи жамиятнинг бутун ҳуқуқий тузилмаси, унинг ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этилганлигидир [4]. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими – халқ манфаатлари ҳамда фуқароларимизнинг эркин ҳаёти, фаровон келажагини ҳисобга олган ҳолда яратилган, унга мувофиқ ҳаракатлар бўлган ҳуқуқий ҳодисалар, воситалар, жараёнлар, институтлар, муассасаларнинг ўзаро манتيкий боғлиқ ҳолдаги ифодасидир [5].

Ҳуқуқ муайян маконда, ҳудудда амал қилади. Шу боис адабиётларда ҳуқуқий майдон ёки ҳуқуқий макон ҳодисаси ҳақида мулоҳазалар баён этилади. Масалан, И.Н.Барцицнинг фикрича,

хуқуқий макон – давлат, унинг органлари ва фуқаролар хулқ-атвори моделларини юридик нормалар билан тартибга солинган соҳасини англатади [6]. Ушбу олим мазкур борада яна шундай хулоса қилади: хуқуқий макон – бу давлат суверенитети тарқаладиган ҳудудда хуқуқий муносабатларни тартибга солишда иштирок этувчи хуқуқий воситалар ва воқеликлар йиғиндиси [7].

Маълумки, қонунлар, хуқуқий нормалар маълум ҳудудда амалга оширилади. “Хуқуқий макон” ибораси анча кенг маъноли категория бўлиб, бу хуқуқнинг муайян ҳудудда ҳаракатланиши эмас. Бу жуда юзаки, оддий талқин бўларди. Хуқуқий макон деганда, бизнинг фикримизча, ижтимоий ҳаётнинг хуқуқий таъсир доирасига, хуқуқий тартибга солиш қамровига олинган қисми тушунилади. Яна хуқуқий макон – хуқуқ тантана қилган, адолатли хуқуқий тартибот таъминланган ижтимоий ҳаёт соҳаси ҳамдир. Уни хуқуқий ҳаёт майдони деб аташ ҳам мумкин.

“Хуқуқий ҳаёт” тушунчасига келсак, уни энг умумий тарзда жамият ижтимоий ҳаётининг эркинлик, адолат, ҳақиқат ғоялари асосида хуқуқий меъёрланган, хуқуқий тартибга солиш қамровига олинган қисми сифатида таърифлаш мумкин. Албатта, хуқуқ жамият ҳаётини норматив меъёрловчи мезон, восита сифатида алоҳида кадр-қимматга эга.

Жумладан, “хуқуқнинг кадр-қиммати – унинг инсон хуқуқлари ва эркинликлари мезонини белгилашда, ижтимоий адолатни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида майдонга чиқишида, фуқароларнинг, бутун жамият илғор ижобий талаб-эҳтиёжларини ва манфаатларини қондиришга хизмат қилишида намоён бўлади” [8]. Қолаверса, “хуқуқнинг кадр-қиммати унинг адолат ғоясини ифодалай олиши имконияти билан белгиланади... Унинг кадри инсонпарварлик ғояси билан суғорилганлигида, инсон манфаатларига бўйсундирилганлигидадир” [9].

Шу ўринда жамият ва давлат мавжуд бўлишининг муҳим шарти бўлган ҳаётий фаолият турлари масаласига тўхталиб ўтиш лозим.

Ижтимоий ҳаётнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган хуқуқий ҳаёт давлат ва жамият миқёсида муҳим роль ўйнайди. Масалан, профессор А. В. Малько хуқуқий ҳаёт категориясининг қуйидаги ўзига хос белгиларини ажратиб кўрсатади:

1) хуқуқий ҳаёт муайян халқ ҳаёти тарзига мос келадиган ижтимоий ҳаётнинг бир таркибий қисми ёки ижтимоий хуқуқий институтлар йиғиндиси сифатида майдонга чиқади;

2) хуқуқий ҳаёт хуқуқий хулқ-атвор қоидалари ва тегишли юридик кўрсатмаларга асосланади;

3) хуқуқий ҳаёт жамият миқёсида кечади ва объектив ифодаланган хуқуқнинг ҳаётга жорий этилганлигини акс эттиради;

4) хуқуқий ҳаёт жамият фаолият кўрсатишининг давлат даражасида ташкил этилганлигининг бир шарти (ҳолати)дир;

5) хуқуқий ҳаёт халқ маънавий ҳаётининг, у ёки бу миллатнинг ўзига хос менталитетини аниқ ифодалайдиган бир қисмидир;

6) хуқуқий ҳаёт – иқтисодий ва сиёсий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ [10].

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, биз хуқуқий ҳаётнинг яна бир муҳим белгисини кўрсатиб ўтамиз: хуқуқий ҳаёт маълум бир давлатдаги хуқуқий маданият даражасини акс эттирувчи муҳим ижтимоий кўрсаткич вазифасини ҳам ўтайди.

Хуқуқий ҳаётни ислоҳ этиш, модернизация қилишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири бугунги кунда жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилаётган туб ислоҳотларнинг самарасини оширишга кўмаклашишдан иборат.

Профессор А.В.Малько “хуқуқий ҳаёт нима?” деган саволга жавоб бераркан, қуйидаги таърифни келтиради: “хуқуқий ҳаёт ижтимоий ҳаётнинг хуқуқий ҳужжатлар ва хуқуқий муносабатларда мунтазам ифодаланадиган муайян жамият хуқуқий ривожланиши хусусияти ва даражасини, субъектларнинг хуқуққа бўлган муносабати ва манфаатларининг қондирилиш даражасини тавсифлайдиган шаклларида биридир” [11].

Фикримизча, бу таърифда ҳам хуқуқий ҳаёт тушунчаси тўла ёритиб берилган деб бўлмайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, хуқуқий ҳаёт тўғрисида айtilган фикрларни ўрганиб чиқиш асосида “хуқуқий ҳаёт ижтимоий ҳаётнинг муҳим бир бўғини бўлиб, у хуқуқий мафкура, хуқуқий маданият, хуқуқий тарбия, хуқуқий онг давлат ва жамият ҳаётининг муҳим томонларини ўз ичига олади ҳамда шаклланган ижтимоий муносабатлар субъектларининг хуқуққа нисбатан муносабатларини ифодалайди, давлат қонунларга асосланган ҳолда жамият ҳаётининг бошқа соҳалари билан узвий боғлиқ равишда фаолият кўрсатади”, – дея таъриф бериш мумкин.

Хуқуқий тизимни, хуқуқий ҳаётни ислоҳ этишнинг стратегик устуворликлари қаторида буларни кўрсатиш мумкин:

- қонунчиликни такомиллаштириш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли қафолатлаш;
- суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш;
- жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш.

Ҳуқуқий маконнинг ўзагини, марказини қонунчилик, миллий ҳуқуқ тизими ташкил этади. Шу боис ҳуқуқий ислохотларнинг муҳим йўналиши қонунлар сифатини оширишдир. Шунинг ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳуқуқий ҳаётни ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ошириш;
- қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг мувофиқлашганлиги ва барқарорлигини таъминлаш;
- қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий муносабатларга ва келгуси ижтимоий ҳаётга таъсирини кучайтириш.

Қонун – мамлакат қонунчилиги тизимининг асосий категорияси бўлиб, қуйидагилар унинг асосий зарурий белгилари ҳисобланади:

- 1) қонун фақат давлат олий вакиллик органи томонидан қабул қилинади;
- 2) қонун ваколатли олий давлат ҳокимияти нуқтаи назаридан энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади;
- 3) қонун мамлакат ҳуқуқий тизимида олий юридик кучга эга бўлади;
- 4) қонун норматив ҳужжат бўлиб, ҳамма учун мажбурий бўлган қоидалар ўрнатади [12].

Муҳим стратегик устуворлик бўлган қонунчиликни такомиллаштириш ҳуқуқий ҳаётни ислоҳ этиш, либераллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёни башорат қилишни муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз.

Бунда, жумладан, ҳуқуқ ижодкорлигини башорат қилишдан кўзланган мақсадини кучайтириш, масалан, Олий Мажлис ҳузурида қонун лойиҳаларини олдиндан башорат қилувчи, таҳлил билан шугулланувчи Ижтимоий-юридик башорат қилиш марказини тузиш, илмий муассасаларда, юридик ихтисосликдаги олий ўқув юртларида лаборатория (бўлим)ларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ [13].

Ҳақиқатан ҳам, ислохотларни фаол амалга ошириш давомида қонунчилик ишларини узоқ муддатга, истикболни мўлжаллаб режалаштириш ўта масъулиятли ва мураккаб вазифа бўлиб, бунда бир қатор илмий усуллардан, яъни социологик тадқиқот, моделлаштириш, ижтимоий эксперимент ва, айниқса, илмий башоратлаш усулларида кенг фойдаланиш талаб этилади.

Бугунги кунда қонунларнинг сифати ва ҳуқуқий ислохотлар учун самарасини ошириш масаласи жиддий аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлашча, “ҳозирги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда” [14]. Айни вақтда давлатимиз раҳбари “қонунларни қабул қилиш жараёнида янги тизим – аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш лозим” деб ҳисоблашини билдирди. “Муҳим қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилгандан кейин уларни жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш... тартибини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади” [15], – деди.

Шунингдек, Президентимизнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида суд-ҳуқуқ ислохотларини адолат мезонлари асосида давом эттиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди [16].

МДХ мамлакатлари олимларининг бу борада олиб борилган тадқиқотларидан маълумки, қонунчилик соҳасидаги ижтимоий экспериментлар социологик изланишлар асосида амалга ошириладиган прогнозлаш бўлиб қолмасдан, балки қонунчиликни барқарорлаштириш, унинг изчил тизимини вужудга келтиришнинг асоси ҳамдир [17].

Шу билан бирга, ижтимоий тараққиёт ғоялари қонунчилик руҳига сингдирилиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда қабул қилинаётган, қонунлар мазмунида янги, соф демократик таъсир кўрсатиш воситаларини кўпроқ ишлатиш зарур. Қабул қилинажак қонунларда янги ғояларни мужассамлаш мақсадида “қонун лойиҳаларига оид концепцияларни ва қонун лойиҳаларини танлов асосида ишлаб чиқишни кенг жорий қилиш керак. Ҳар бир қонун лойиҳаси мустақил илмий-юридик тил нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказилиши керак. Шу боис Олий Мажлис ҳузурида илмий маслаҳат кенгаши тузилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу кенгаш муқобил қонун лойиҳаларини танлашда уларнинг халқаро ҳуқуқ талабларига ва илғор чет эл юридик

тажрибасига нақадар мос келишини ўрганиб, зарур асосланган хулосалар бериши мумкин” [18]. Худди шундай фикр Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида ҳам таъкидланди [19]. Бизнинг назаримизда, бу ўз вақтида айtilган фикрдир.

Мамлакатимиздаги қонун чиқариш жараёнида ҳуқуқий сиёсат принциплари тегишли қонунчилик қарорлари воситасида ўзининг моддий ифодасига эга бўлиб, ҳаётга жорий этилар [20] экан, ижобий қонунчилик жами ислохотларнинг объекти сифатида етакчи аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий ислохотлар ўтказилишидан кўзланган мақсадлардан бири давлат механизмларини шахс манфаатлари йўлида хизмат қилдиришдир. Чунки фуқаронинг субъектив ҳуқуқлари ва давлат органлари ҳуқуқлари (ваколатлари) ўртасида принципиал фарқлар мавжуд бўлиб, фақат жамият ҳаётини либераллаштириш, ҳуқуқий ислохотларнинг ижтимоий вазифаларини, либераллаштириш чегараларини тўғри белгилаб олиш, юқорида кўрсатиб ўтилган принципларга амал қилиш, ислохотларнинг асосий йўналишларидан четга чиқмаслик, қонунчиликни изчил равишда такомиллаштириб бориш, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш учун шароитлар яратилгандагина давлат механизмларини шахс манфаатлари билан иложи борича энг мақбул даражада мувофиқлаштиришга эришиш мумкин.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсадига эришиши асосан қонун ижодкорлиги, қонунчилик техникаси, қонунларни жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда башорат қилиш, қонунчилик стратегиясини аниқлаш, қабул қилинажак қонунларимизни либераллаштиришга ҳам боғлиқ. Бунинг учун, бизнинг назаримизда, қонунларимизнинг халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши, хорижий мамлакатлар норма ижодкорлиги тажрибаларини мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимида жорий қилиш, илмий асосланган башоратлар замида республикамизда юзага келаётган ижтимоий заруратдан келиб чиқиб, қонунларимизни доимо такомиллаштириб бориш, уларнинг амалий қўлланилиши, жамият талабларига қай даражада жавоб бериши ҳолатларини тафтиш қилиш, парламент фаолиятида юридик фан соҳасидаги илмий-тадқиқот натижаларини, ҳуқуқшунослик фани таклифлари, тавсияларини қўллаш, илмий-назарий таҳлиллар хулосаларини инобатга олиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликни такомиллаштириш ҳуқуқий ҳаётни модернизациялаш, либераллаштиришнинг бош стратегияси эканлиги ҳақидаги фикрларга яқун сифатида шуни айтиш мумкинки, либераллаштириш мамлакатимиз ҳаётида мутлақо янги жараён бўлганлиги боис қонунчилик стратегияси, ҳуқуқий тафаккур ҳамда парламент чиқарган қонунлар асосида ривожланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий ислохот ва либераллаштиришни мукамал қонунчиликсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Кўзланган мақсад ва вазифалари қонун ҳужжатларида ўзининг адекват аксини топса, уларни бажариш давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва нодавлат жамоат тузилмалари учун қатъий мажбуриятга айланади. Пировардида мамлакатимиз ҳудудида қонун устуворлиги ва ислохотлар муваффақияти таъминланади.

References:

1. Xalq so‘zi. - 2017. - 23 dekabr.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. - T., 2017. - B.3.
3. Muxamedov O‘.X. Harakatlar strategiyasi asosida ichki ishlar organlari tizimidagi islohotlar. - 2018. - B.88-89.
4. Marchenko M.N. Teoriya gosudarstva i prava v voprosax i otvetax. - M., 2001. - S.131.
5. Odilqoriyev H.T., Yakubov Sh.U. Milliy huquqiy tizim va huquqiy qadriyatlar. - T., 2010. - B.25.
6. Barsits I.N. Pravovoye prostranstvo Rossii: vopr. kons. teorii i praktiki. - M., 2000. - S.24.
7. Barsits I.N. Pravovoye prostranstvo Rossii: ponyatiye, priznaki, resursi. - M., 2012. - S.7.
8. Odilqoriyev H.T. Mustaqillik va huquqiy qadriyatlar // Huquq - Pravo - Law. - 2001. - №3. - B.4.
9. Odilqoriyev H.T. Konstitutsiya va fuqarolik jamiyati. - T., 2002. - B.48.
10. Malko A.V. Kategoriya “Pravovaya jizn” problemi stanovleniya // Gosudarstvo i pravo. - 2001. - №5. - S.6.
11. Malko A.V. Kategoriya “Pravovaya jizn” problemi stanovleniya // Gosudarstvo i pravo. - 2001. - №5. - S.6.
12. Obshaya teoriya gosudarstva i prava. T.2. - M., 2001. - S.274.

13. Tulteyev I.T. Pravovoye gosudarstvo i problemi prognozirovaniya yego formirovaniya // Mustaqillik va O'zbekiston Respublikasida huquqiy demokratik davlatni va fuqarolik jamiyatini shakllantirish muammolari. - 1996. - B.115-117.
14. Mirziyoyev Sh. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. - T., 2017. - B.8.
15. Xalq so'zi. - 2017. - 13 iyul.
16. Xalq so'zi. - 2017. - 23 dekabr.
17. Polenina S.V. Sotsiologiya i planirovaniye zakonotvorchestva // Sotsialniye voprosi pravotvorchestva. - 1980. - S.50-51.
18. Saidov A.X. Inson huquqlari sohasida O'zbekiston Respublikasi qonunchiligi: ahvol, muammolar va istiqbol // Inson manfaatlari qonun hujjatlarini tayyorlashni takomillashtirish muammolari mavzusidagi ilmiy-amaliy anjuman hujjatlari. - 1998. - B.19.
19. Xalq so'zi. - 2017. - 23 dekabr.
20. Odilqoriyev H.T. O'zbekiston Respublikasida qonun chiqarish jarayoni. - T., 1995. - B.35.